
ҲОКИМ ҚАБУЛИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ – ЭЪТИБОРДА!

БАҒДОД ТУМАН ҲОКИМИ ҒАНИЖОН СОЛИЕВ 1-СЕКТОР ШТАБИДА ТУМАН АҲОЛИСИ УЧУН ҚАБУЛ ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА ҲАКИМЖОН АБДУЛАЗИЗОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Қабулда туман аҳолисининг турли йўналишлардаги 50 дан ортиқ муаммолари қабул қилиниб, уларнинг аксарияти, жумладан тиббий ёрдам, ишга жойлашиш, тадбиркорлик, фермер хўжалигида низоли ҳолатлар бўйича мурожаатлар жойида ижобий ҳал этилди. Вақт ва ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар, шунингдек, электр, ичимлик суви, газ устунларини алмаштириш, янги трансформатор қўйиш, кўча ёриткичлари ўрнатиш каби мурожаатлар бўйича масъулларга муддатлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

2024-05-14 21:10:07